



**“Ўзтемирийўлназорат” инспекцияси фаолияти, инспекцияда  
коррупцияга қарши курашиш бўйича ахолининг хуқуқий  
онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга  
нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга  
қаратилган тарғибот тадбирларига мувофиқ**

**“ЎЗТЕМИРИЙЎЛНАЗОРАТ” ИНСПЕКЦИЯСИ ВА  
ИНСПЕКЦИЯДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШГА ОИД ИЖТИМОЙ ВИДЕОРОЛИК ВА  
МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ТАНЛОВИ (ХАРИДИ) ЮЗАСИДАН ЭНГ ЯХШИ  
ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТЕХНИК  
ХУЖЖАТЛАРИ**

**“ЎЗТЕМИР ЙЎЛНАЗОРАТ” ИНСПЕКЦИЯСИ ВА ИНСПЕКЦИЯДА  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ИЖТИМОИЙ  
ВИДЕОРОЛИК ВА МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ТАНЛОВИ (ХАРИДИ) ЮЗАСИДАН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ  
ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР**

“Ўзтемир йўлназорат” инспекцияси поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, амалга ошириши ва мувофиқлаштириши функцияларини бажарувчи, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда темир йўл транспорти соҳасида фаолият юритувчи бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда темир йўл транспорти корхона ва ташкилотлари деб аталади) томонидан темир йўл транспорти соҳасидаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид белгиланган қоида ва нормаларга риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширувчи, шунингдек, умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти ташкилотлари назорат қилувчи давлат бошқаруви организидир.

**Атамалар ва уларни таърифи**

**поезд** — ўрнатилган сигналларга эга бўлган, битта ёки бир нечта ишлаб турган локомотив ёхуд моторли вагонлардан шакллантирилиб, бирлаштирилган вагонлар таркиби. Перегонга жўнатилаётган вагонларсиз локомотивлар, моторли вагонлар ва ўзиорар ҳаракатдаги таркиб ҳам поезд деб ҳисобланади;

**темир йўл кесишмаси** — йўлнинг темир йўллар билан бир сатҳда кесишган жойи;

**пиёда** — транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва йўлда бирор-бир юмуш билан банд бўлмаган шахс. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг двигателсиз аравачасида ҳаракатланаётган, велосипед, мопед, мотоцикл, чана, аравача ва болалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини етаклаган, шунингдек ҳаракатланиш учун роликли конькилар, двигателсиз самокатлар ва бошқа шуларга ўхшаш воситалардан фойдаланаётган шахслар ҳам пиёдаларга тенглаштирилади;

**ҳайдовчи** — йўлларда транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс. Бошқаришни ўргатувчи, от аравани бошқараётган, ҳайвонларни миниб ҳаракатланаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва молларини (подани) ҳайдаб бораётган шахслар ҳайдовчига тенглаштирилади;

**коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

## **Инспекция фаолиятига оид ҳамда инспекцияда коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеоролик.**

### **Умумий маълумот**

#### **Ижтимоий видеороликлар сони (жами 3 та):**

1. Умумий инспекция фаолиятига оид видеоролик.
2. Коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеоролик
3. Коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеоролик

#### **Давомийлиги:**

- 1-видеоролик 150 секунд (статистик)
- 2-видеоролик 120 секунд (коррупциявий ҳолатлар)
- 3-видеоролик 120 секунд (коррупциявий ҳолатлар)

#### **Формати:**

- 1-видеоролик HD
- 2-видеоролик HD
- 3-видеоролик HD

#### **Тили:**

- 1-видеоролик Ўзбек тили
- 2-видеоролик Ўзбек тили
- 3-видеоролик Ўзбек тили

#### **Тайёрлаш жойи:**

- 1-видеоролик Ахборот коммуникацион технология ва жойига чиқиб, съемка қилиш ёрдамида
- 2-видеоролик Ахборот коммуникацион технология ва жойига чиқиб, съемка қилиш ёрдамида
- 3- Ахборот коммуникацион технология ва жойига чиқиб, съемка қилиш ёрдамида.

#### **Қисқача тавсифи:**

1-видеоролик – “Ўзтемирийўлназорат” инспекция фаолият йўналишлари бўйича 2022 йил ойлик якунларининг статистик кўрсаткичлари асосида кадр ортидан овозли нагавор орқали кўрсатилади.

2-видеоролик – ташкилотга текширишга келган инспекторни пул эвазига аниқланган камчиликларни яширишга уриниш акс эттирилади. Шу вазиятда иккинчи кадрда пора олиш натижасидаги ҳолатлар (кўлга олиниши, қамоқ, ота-онаси, фарзандларидан узоқлашиш кабилар кўринади) ва шу заҳоти рад этади. Кадрда инспекция ходимлари коррупцион ҳолатларга йўл қўйганда

мурожаат қилиш алоқа каналлари намойиш этилади.

**3- видеоролик.** Темир йўлда текшириш давомида камчиликларни пора эвазига ёзмайди ва оқибатда поездда йўлга чиққан оила аъзолари аварияга учрайди. Охирида оила аъзоларидан ажралиб ёлғиз бир ўзи қолади.

### **Темир йўл кесишимларида ҳаракатланишга оид мультиликацион фильмлар.**

#### **Умумий маълумот.**

##### **Мультиликацион фильмлар сони (жами 2 та):**

1. Темир йўлдан ўтиш қоидалари билан боғлиқ мультиликацион фильм;
2. Темир йўлдан ўтиш қоидалари билан боғлиқ мультиликацион фильм.

##### **Давомийлиги:**

1-видеоролик 35 секунд

2-видеоролик 35 секунд

##### **Формати:**

1-видеоролик HD – анимацион ролик

2-видеоролик HD – анимацион ролик

##### **Тили:**

1-видеоролик Ўзбек тили

2-видеоролик Ўзбек тили

##### **Тайёрлаш жойи:**

1-видеоролик Ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида.

2-видеоролик Ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида.

##### **Қисқача тавсифи:**

1-видеоролик – Темир йўл кесишимасида шлагбаум кўтарилигандага қоидаларга бўйсунмай ўтиш оқибатлари намойиш этилади. .

2-видеоролик – темир йўлда темир излар бўйлаб қулоқчин (наушник) билан юриш оқибатлари намойиш этилади.

### **Буюртмачи ва ижтимоий видеоролик яратувчи ташкилотлар номи ва уларнинг тафсилотлари.**

**Буюртмачи ташкилот номи:** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиб хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси

**Видеоролик тайёрловчи корхона (хизмат кўрсатувчи):** Видеоролик ва мультиликацион фильмлар тайёрлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаш (танлов) савдолари натижалари бўйича аникланади.

**Коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеороликларни яратиш учун асос бўлган хужжатлар руйхати, тасдиқланганлиги хақида маълумот:**

Мазкур коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеороликка

яратиш учун асос бўлган қуидаги меъёрий хужжатлар ва уларда белгиланган масалаларга мос келиши (зид эмас) ҳамда ўз ечимини топиши керак:

- Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ЎРҚ-788-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сонли “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сонли “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 апрелдаги 342-сон “Жамиятда ҳукуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 апрелдаги 337-сон “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва Йўл-курилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

### **Коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеоролик обьекти ҳақида қисқача маълумот**

Хужжатларга мувофик, ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга оид ижтимоий видеороликни аҳоли ўртасида эълон қилиш орқали коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясида устувор вазифалардан ҳисобланади.

Куйидагилар “Ўзтемирийўлназорат” инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида ва темир йўл транспорти соҳасида фаолият юритадиган юридик шахсларнинг шохобча йўлларида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга, темир йўл транспортиning ҳаракатланувчи таркиби, техник воситаларини сақлаш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишга оид норматив-ҳукуқий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив

хужжатлар талаблари ижросини назорат қиласи;

темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ва темир йўлда ташишлар хавфсизлигини таъминлайдиган техник воситаларнинг ишончлилигини оширишга қаратилган комплекс профилактика чоратадбирлари белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан давлат назоратини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

темир йўл транспорти объектлари, маҳсулотлари ва технологияларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан уларни доимий ёки вақтинча фойдаланишга қабул қилишда иштирок этади;

поездлар ҳаракати хавфсизлиги талабларини бузиш ҳолатлари бўйича темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан олиб бориладиган хизмат текширувларининг тўғрилигини назорат қиласи (ҳалокатга учраш ва авариялар бундан мустасно);

темир йўл транспорти корхона ва ташкилотлари томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг бузилиш ҳолатларини ҳисобга олади ва таҳлил қиласи, шунингдек, темир йўлларда ташишлар хавфсизлиги ҳолати тўғрисида уларни хабардор қиласи;

темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотлари томонидан темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини ошириш бўйича тармоқ дастурларининг ижросини назорат қиласи;

темир йўл транспортида ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатланувчи таркибни, темир йўл транспортининг техник воситаларини сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатлар ҳамда норматив хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бузилиши ва уларнинг сабаблари юзасидан хизмат текширувини ўтказиш таснифи ҳамда тартиби бўйича норматив-хуқуқий хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқади;

умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида поездлар ҳаракати хавфсизлигини техник ва технологик назорат қилишни таъминловчи умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг таркибий бўлинмалари фаолиятига услубий ёрдам кўрсатади;

назорат функцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, истеъмолчиларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари устуворлиги ҳимоя қилинишини таъминлайди;

## ХУЛОСА

### ТЕХНИК ҲУСУСИЯТЛАР

Мазкур топшириқ ёшга доир ва этикага оид қонунчилик хужжатлари талабалари асосида ишлаб чиқилади. Видеомаҳсулотларда фото ва видео материаллар муаллифлик хуқуқи учун жавобгарлик ва масъулият видеоролик тайёрловчи корхона (хизмат кўрсатувчи) зиммасида.